

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

№ 4 ♦ 2013



ВЕСТНИК НУУЗ ♦ АСТА NUUZ

бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни.....	129
ОРИПОВ Ш. Ёшлар ижтимоий хизмати соҳасини ташкил этишнинг халқаро тажрибаси.....	133
НОРОВ Т.О. Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва ижтимоий-фалсафий ғоялари.	135
ХОНКУЛОВ У.Х. Стохастика элементларининг математика таълимидаги роли.....	139
ТОЛИБОВА С. Ўзбекистон -Корея ҳамкорлиги натижалари, истикболи.....	143
ҚАНДАҲАРОВ А. Қосим Шайх Азизоннинг XVI аср Бухоро хонлиги ижтимоий ҳаётидаги ўрни... ..	146
КАРИМОВА М.Б. Бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимларда исломий анъаналарнинг ўрни ва роли.....	148
АЛЛАМБЕРГЕНОВ Х. Қадимги туркий мифологияда ғайритабиий тимсолларнинг пайдо бўлиши ҳақида айрим мулоҳазалар.....	151
ИСКАНДАРОВ Ш. А. Ўзбекистондаги араб диаспорасининг тил хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар.....	154
ТАЎМУРАТОВА Г.Н. Одам организмдаги инсулиназалар ва уларнинг хусусиятлари.....	156
МАМАТОВ М.Ш., АЛИМОВ Х.Н. О задаче преследования, описываемой уравнениями в частных производных	159
АЛИХОЖИЕВ М.О. Вақфномалар – Қўқон хонлиги анъанавий таълим тизимини ўрганишда муҳим манба.....	165
УСМОНОВ Ў. Хавфсизлик ва барқарорлик - тараққиётнинг муҳим омили.....	169
СЕЙДАЛИЕВА Л.Т., МИРХАМИДОВА П., АЛИМБАБАЕВА Н.Т., МИРХАМИДОВА Н.Г. Изучение действия пестицида каратэ на активность мос печени Эмбрионов Крыс.....	172
ЖУМАЕВА Д. Шарқ адабиётида Юсуф ва Зулайхо сюжетлари.....	175
ОРИПОВ Э.Ш. Анъанавий ва замонавий қадриятлар диалектикаси.....	180
АБДУВАҲАБОВА М.А. Гендерликнинг фразео-семантик сатҳдаги вербаллашуви.....	183
ХАЛМУРАТОВ Б.Р. Шомонлик этикоди муаммосининг совет даври тарихшунослигида ёритилиши.....	185
АРАПБАЕВА Д.К. Оилавий мослашув ва жипсликни тадқиқ этиш (Қозок ва Ўзбек оилалари мисолида).....	188
КУРБАНОВ Б.Ю. Пути снижения последствий сильных землетрясений.....	192
ОРИПОВ Ш. Ёшлар билан ижтимоий ишлаш уларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш воситаси сифатида.....	196
ЖУМАЕВ Р.Ғ. Аҳмад Дониш ижтимоий-сиёсий қарашларининг шаклланиши.....	199
АБДУЛЛАЕВА Ш.Н. Молиявий-иқтисодий терминология тилшунослик объекти сифатида.....	201
ДЖАФАРОВА Д.И. Француз ва Ўзбек тилларида номинация ва мотивация жараёни.....	203
НОСИРОВ Б. Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат қўрсатиш тизимининг шаклланиши ва муаммолари (1920-1970 йй).....	207
МАШАРИПОВА Т.Ж. Публицистика ва адабиёт.....	211
НИШОНОВА Н. Феминизм ва гендер тенглик муаммолари.....	217
ОРТИҚОВ О. Глобаллашадиган дунё ва Ўзбекистон: ижтимоий-фалсафий мерос нуқтаи назаридан.....	221
БАБАЕВА С.Р. Марк Твен асарларидаги воеликнинг болаларга ҳос тасвири	225
КАДИРБЕКОВА Д.Х. Ўзбек тилида ахборот технологиялари терминларининг келиб чиқиши.....	227
ЖЎРАЕВ Б. Касб-ҳунар коллежларида мутахассис кадрларни тайёрлашда миллий қадриятларнинг ўрни.....	232
АЛИМОВА Г.Ю. Тилшуносликда сленг тадқиқот бирлиги сифатида.....	235
ТЎХТАБАЕВ А. Ёшлар тафаккурини шакллантиришда жамоат бирлашмаларининг ўрни.....	237
БИБАЕВА Н. Ҳаракатли ўйинлар – мактабгача ва мактаб таълим муассасаларида барқарор авлодни шакллантирувчи асосий мезон.....	239
МАМАНОВ А. Sharq mamlakatlarida takrorlanib keluvchi “davr-sikl”ning yuz berish mexanizmi.....	241
ШОРАСУЛОВ С.С. К вопросу о конкурентоспособности печатных масс-медиа в эпоху ИКТ.....	247
ЖУМАЕВ О.Ю. Реклама матнларида тағмаъно ва образлилик.....	251
ЮСУПОВ О.Н. Трансформационный метод при переводе художественного текста (на материале английского и узбекского переводов).....	253
ТЎХТАЕВА Р.Н. Совет давлатининг пул ислоҳотлари ва унинг натижаларига доир совет даври адабиётлари таҳлили.....	256
БАҲРИДИНОВА Д.Б. Уруш даври умуминсоний фожасининг ўзбек дostonларида акс этиши ...	260
АБДУРАИМОВ О.С. Турли ценопопуляцияларда тарқалган <i>TULIPA LEHMANNIANA</i> MERCKLIN ва <i>T.BOSZCZOWII</i> REGEL ning уруғ махсулдорлиги.....	263

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРАБ ДИАСПОРАСИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Искандаров Ш. А.*

Муайян этносга мансубликнинг зарурий омилидан бири, бу ўз-ўзини англашдир. Ўз-ўзини англаш кишининг ўзини билиши, ўзлигини англаши, яъни, ўзини бошқалардан ажратган ҳолда “биз ва улар” деб ажратган ҳолда этномиллий кадриятларини тиклаши билан боғлиқдир.

Тарихдан маълумки, жамиятда турфа муносабатда бўлиши жараёнида киши ўзини муайян гуруҳга хос деб билади. Барча кишилар жинсий, касбий, ёш, синфий, этник ва хоқоза гуруҳларга мансублик хусусиятига эгадир. Айнан ўзликни англаш туфайли киши ўзини бошқа бир киши билан таккослай олади. Этник ўз-ўзини англаши туфайли киши ўзининг муайян гуруҳга мансублигини, муайян тили этник гуруҳ вакили эканлигини англайди. Этник, ўзликни англаш асосан кишининг муайян этносга ҳосликни тан олишидир.

Тарихий этнографик алабиётлардан маълумки, миллий ўзликни англашнинг асосий факторларидан бири тил ҳисобланади. Жумладан, В.Н.Козлов этник жамоанинг асосий белгилари куйидагича изоҳлаган “этник ўз-ўзини англаш ва ўз миллийлик номига эга бўлишлик, тил, ҳудуд, психик хусусиятлари маданияти ва маиший турмуши, ижтимоий-ҳудудий ташкилотларнинг маълум шакллари...” [1, 126], деган фикр таъкидлайди. Дунё тарихида ҳар бир халқнинг турмуш тарзи анъанавий маданиятини ўрганишда, этник ўзликни англашда тилга эътибор қаратилади. Ўзбекистонда яшовчи араб диаспораси орасида улар кўчиб келганларига минг йиллар бўлишига қарама-қарши ўзларининг она тилларини сақлаб қолган бўлиб, бунинг энг асосий сабабларидан бири арабларнинг маълум маънода локал турмуш тарзи кечирганлиги ва ўз диаспораси доирасидагина ички никоҳ муносабатларини боғлашлари билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда яшаб келаётган араблар ва уларнинг лингвистик ўзига хусусиятлари борасида шарқшунос олимлар И.Н. Винников, Г.В.Церетели, Н.Н.Бурикина, М.М.Измайлова, Г.Г.Чоквалар тадқиқотлар олиб борган. Улар Ўзбекистоннинг турли минтақаларида яшовчи арабларнинг тилидаги ўзига хослик ва умумийликни ўзаро киёсий таҳлил қилган [2, 128: 70-77: 3].

Шубҳасиз, бу ўринда XX асрнинг 30-йиллари бошларида Н.Н.Бурикина ва М.М.Измайлова-лар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида қашф этган янги араб тили диалектларини фавқуллода аҳамиятга молик далиллар тарзида баҳолаганлар. Академик И.Ю.Крочковский таъбири билан айтганда, айнан мазкур тадқиқотларда билдирилган фикрлар, яъни Ўзбекистон арабларини шеvasи ўзига хос бебаҳо илмий қимматга эга бўлиб, бу фикрлар орқали у араб шеvasидаги бир қадар бурилиш ясалганидан дарак беради [3, 3].

Этнограф олима Б.Х.Кармышеванинг таъкидлашича, Ўрта Осиё тарихида арабларнинг

тутган ўрни ва араб халқининг урф-одатлари, тил маданияти тарихи арабларининг кўчиб келган жойлари ва хунармандчилик, миллий кийимларининг ўзига хос локал хусусиятини киёсий таҳлил қилган [4, 528-598]. Ўзбекистон ва Тожикистонда яшовчи араблар асрлар давомида минтақанинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб, ассимиляциялашган бўлсада, уларнинг бир қисми ўзлигини сақлаб қолган. Бу хусусиятни улар орасида ҳалигача ўзларини араб деб эътироф этишда ёки ўз она тиллари бўлган араб тилини сақланиб қолганлигида кузатиш мумкин. Жумладан, Қашқадарё вилояти Пўлати ва унга туташ бўлган Раҳимсўфи, Хўжақудук, Андабозор, Бойтерак, Дарча, Канотли, Бўрихона, Пистали, Номард, Олачабон, Оғзикенг сингари ўнлаб қишлоқларида араб тилининг маҳаллий шеvasи сақланиб қолган [5, 14-15].

Хуллас, маҳаллий араблар минг йиллар давомида “минтақанинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб, ассимиляция жараёнларга тортилган бўлсалар, уларнинг бир қисми этник ўзлигини (идентиклигини) сақлаб қолганлар.

Ҳозирга вақтга келиб араблар ўз тили ва миллий кийимини жадал тарзда унитмоқда. Натижада араб ёшларнинг бир неча асрларидан бери давом эътиб келаётган араб тилининг унитиши араб миллий урф-одатлари, миллий ўзликни англашга бўлган эътибор йўқолишига сабаб бўлмоқда. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, кекса ёшли кишилар орасида миллий ўзликни англаш кучлироқ бўлганлиги сабабли араб миллий маданиятининг таъсири йўқолиб кетишидан хавотирланиб гапиршади [6]. Жумладан, Навоий вилояти Навбахор туманига қарашли Арабхона қишлоғида бундан 3-4 йил олдин арабларнинг кекса (қария) кишилари аксарияти араб тилида гаплашишган. Ҳозирги кунда эса улар араб тилини унитишиб, ўзбек ва тожик тилида мулоқат қилишади.

Ахборотчиларимиз ўзи ҳаёти даврида ота-оналари томонидан айтилган фикрларни марок билан эслайди. Онамиз бизга “она тилининг унутма, лекин мен араб ман деб, ҳам гердайма деб айтар”, эди. Шу сабабдан бўлса керак, бизлар араб миллатдошларимиз билан араб тилида, ўзбек ёки тожик одамлар билан уларининг тилида суҳбатлашамиз” деб таъкидлашади. Шубҳасиз бу борада бизнинг мазкур қишлоқда олиб борган этносоциологик тадқиқотларимиз натижасида тахминан 5% аҳоли араб тилидаги айрим сўзларни билишларининг гувоҳи бўлди. Айрим ёшлар араб тилини умуман билмайди. Шунингдек, Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Арабхона қишлоғи аҳолисининг маълум қисми Қашқадарё вилояти Миришкор туманига қарашли Жейнов қишлоғидан кўчиб келиб ўрнашиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ҳозирги кунда ўзбеклашиб кетган [7].

* Ш.А.Искандаров – ТДПУ катта илмий ходим – изланувчиси.

Дарҳақиқат, арабларнинг асосий қисми даврлар ўтиш билан ўз она тилини унутишган. Масалан, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги араблар ҳам умуман она тилларини унутишган.

XX асрнинг охирида Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги Жугари кишлоғини ўрганиш мақсадида келган арабистонлик олим Фозил Мустофа Жугари кишлоғидаги арабларнинг тили Сурия ва Ироқнинг ўртасида бир кичик кишлоқ шеvasига жуда ҳам ўхшаш эканлигини таъкидлаган. Бу фикрни ўз навбатида гуржистонлик машхур шарқшунос Церетелининг шоғирди Гурам Чикова ҳам тасдиқлайди. 2008 йилда Саудиядан келган араб журналист маҳаллий аҳоли араб тилини сақлаб қолганини кўриб хайратда қолган. Маҳаллий ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, мазкур журналист ташриф буюрган зақтда “чалоп” олиб келишган. Меҳмон ва маҳаллий аҳоли чалопни “дуғ” деб айтган[8]. Бу ўринда шунини ҳам таъкидлаш керакки, Жугари кишлоғи араблари ҳам “чалоп” ни “дуғ” деб айтадилар.

Чаҳдари ва Жугари кишлоқларининг бир-биридан ажралиб турадиган, жиҳати бу шеvasида фарқдир. Чаҳдарида кўпроқ тожиклар кўпчилигини ташкил қилганлиги, сабабли бўлса керак, уларнинг жуда кўп сўзларида тожикча сўзлар учрайди. Жугарида эса кўпроқ араб тили сақланиб қолган. Масалан: Чаҳдарида “қаймоқ” деб айтилса, Жугари “қишма” деб айтадилар[9].

Юқорида ном кайд этилган кишлоқларнинг иккаласи ҳам бир-бирига жуда ҳам яқин жойлашган бўлсада улардаги фарқли жиҳатлари бир неча факторлар асосида санаб ўтиш мумкин.

а) Чаҳдари араблари Жугари арабларидан бир оз олдин кўчиб келган бўлиши мумкин;

б) Жугари араблари Жейнов худудидан кўчиб келган бўлиши мумкин;

в) Чаҳдари араблари кўшни ўзбек ва тожик халқлари билан қуда-андачилик қилиб, киз олиб киз беришган.

Шу сабабдан бўлса, керакки, Чаҳдари араблари ичида ўзбек ва тожиклар кўпчилигини ташкил қилади.

Жейнов, Жугари, Чаҳдари кишлоғидаги арабларнинг турмуш-тарзида миллий ўзликни англашда асосий факторлари тил, жун мато, араби гилам, аркон, бўйра каби тўқимачилик анъаналарининг қадим замонларидан бери давом этиб келмоқда.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда яшаб келаётган диаспораларидан бири арабларининг қадамий тарихий ўтмиш ва бугунги кун билан боғлиқ жараёни таҳлил этилди. Арабларнинг турмуш-тарзи урф-одат анъанавий ва замонавий маросимларидаги ўзига хос жиҳатлари ўрганилди. Ўзбекистон худудидаги Жейнов, Жугари, Чаҳдари, Арабхона каби кишлоқларида араб тили сақланиб қолган.

Совет тузими даврида олиб борилган сиёсий мафкура арабларининг миллий ўзликни англашига ўзи таъсирини кўрсатди. Мустақиллик йилларида арабларининг урф-одат ва анъанавий маросимлари ўтказилишига кенг имкониятлар очиб берилди.

Тадқиқот олиб борилган худудларида арабларнинг этник тарихи ва этнографиясига доир маълумотлар жамланди. Арабларнинг миллий ўзликни англаш жараёнидаги тил фактори сақланиб қолишининг ички ва ташқи омиллари таҳлил этилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Козлов, В.И. Опонятии этнической общности // Советская этнография. 1967. № С. 126.
2. Церетели Г.В. Арабские диалекты Средней Азии. Т.: I. Бухарский арабский диалект. Тбилиси, 1956. Бурыкина Н.Н. Измайлова М.М. Некоторые данные по языку арабов кишлака Джугары Бухарского округа и кишлака Джейнау Кашкадарьинского округа Узбекской ССР // Записки коллегии востоковедов. Т.: 5. Л. 1930. // Ражабов, Р. Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар. Т.: 2011. Янги аср авлоди, Б. 128. Чиковани, Г. Г. Некоторые вопросы истории и языка средне азитских арабов // Россия и арабский мир. Вып. 3. СПб., 1988. – С. 70-77. // Морфологическая структура Кашкадарьинского диалекта арабского языка. – Тбилиси, 1988 С. 3.
3. Чиковани, Г.Г. Морфологическая структура Кашкадарьинского диалекта арабского языка. – Тбилиси, 1988 С. 3.
4. Кармышева Б.Х. Народы Средней Азии и Казахстана. М. Изд - во АН СССР. 1962. Т. II. Стр. 582-598
5. Рўзимуродов Т., Райханов Э., Ҳамроев С. Тақдир сўжмоқларида Пўлати кишлоғининг ўтмиши ва бугунига бир назар Қарши. Насаф, 2000. Б. 14-15.
6. Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани. Жейнов кишлоғи. 2011. йил.
7. Дала ёзувлари Бухоро вилояти, Вобкент тумани. Арабхона кишлоғи. 2012. йил.

РЕЗЮМЕ

В статье изучены история появления арабского народа и специфические факторы, зависящие от этнической истории узбекского и арабского народов. Необходимо отметить, что существует тесная взаимосвязь этнической истории арабской диаспоры, проживающей в Узбекистане и этнической истории узбекского народа.

RESUME

Changes of self-understanding of Uzbekistan Arab Diaspora, their language and ancient historical past regarding to current position are analyzed in this article. Peculiarities of Arabs' lifestyle, traditions, traditional and modern ceremonies have been studied. The Arabic language remained in Jeynov, Jugari, Chahdari and Arabhana villages in Uzbekistan area.